

**Ғайбулла Бобоёров. ЎзР ФА Миллий
археология маркази,
тарих фанлари доктори**

СУҒДИЙЧА ЁЗУВЛИ “ХОҚОН” ВА “ХОТУН” УНВОНЛИ МУҲРЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада Панжикент ва Кофирқаъла ёдгорлиги (Самарқанд)дан топилган булла (муҳр)лардаги суғдий ёзувларнинг ўқилишига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, муҳрларда ўрин олган “хоқон” ва “хотун” унвопларининг Турк хоқонлиги, Панч ва Самарқанд бошқарувидаги роли кўриб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: муҳр, суғдий, битик, унво, Турк хоқонлиги, Панжикент, Самарқанд, бошқарув.

Аннотация. Эта статья посвящается прочтению согдийских надписей на буллах (печатах), найденных в городищах Пенджикента и Кафиркалы (Самарканд). А также рассматривается роль титулов “каган” и “хатун”, встречающегося в буллах, в управлении Тюркского каганата, Панча и Самарканд.

Опорные слова и выражения: булла (печать), согдийский, надпись, титул, Тюркский каганат, Пенджикент, Самарканд, управление.

Abstract. This article is devoted to the reading of the Sogdian inscriptions on seals found in the Penjikent and Kafirkala (Samarkand). Also the role of the titles “Qaghan” and “Khatun” found in seals in the management of the Turkic Qaghanate, Panch and Samarkand is considered.

Keywords and expressions: seal, Sogdian, inscription, title, Turkic Qaghanate, Penjikent, Samarkand, ruling system.

Илк ўрта асрларда, айниқса, VI–VIII асрларда Ўрта Осиё ва унга қўшни ўлкаларда юз берган тарихий воқеликлар тўғрисидаги маълумотлар кўпроқ ўша кезларда битилган хитой, суғдий, эски турк, бактрий, юнон, сурёний, арман, тибет, араб, форс, ҳинд ва бошқа тиллардаги ёзма манбалар орқали бугунги кунгача етиб келди. Шу билан бирга, кўплаб эски шаҳар қолдиқларида олиб борилган археологик қазиларда қўлга киритилаётган эпиграфик ва нумизматик топилмалар орқали ҳам ўтмишининг қоронғу саҳифаларини ойдинлатиш имкони туғилмоқда. Улар орасида сиртида турли ёзувлар ўрин олган муҳрлар алоҳида ажралиб туради.

1. “Хоқон” унволи Панжикент муҳри

Илк ўрта асрларда Суғд воҳасининг йирик ҳукмдорликлари ўлароқ билинган Панч (Панжикент)га тегишли кўплаб ёзма ёдгорликлар ва археологик топилмалар етиб келган. Панжикент шаҳар қолдиқларида қарийб юз йилдан бери олиб борилган археологик изланишлар чоғида ушбу ёдгорликнинг VII – VIII юзйилликларга тегишли сарой деворий суратлари, сопол ва металлга битилган эпиграфик топилмалар, турли ҳукмдорликларга тегишли танга-пуллар аниқланиши билан бирга кўплаб муҳрларнинг топилиши катта ютуқ

бўлди. Айниқса, яқин йилларда рус-тожик қўшма археологик эспедициясининг бу ердаги қазув ишларида сополдан ясалган муҳр (булла) аниқланган бўлиб, унинг олд юзасида ўнг томонга юзланиб, аждарҳо билан курашаётган отлик тасвир диққатни тортади (қар. 1- расм). Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари орасида *zpuw* “жабғу”, *spuw x'γ'n* “жабғу-хоқон” унвонли отлик тасвирли тангаларга [Бабаяров, 2007: 12-13] ўхшаб кетадиган ушбу муҳрда чавандознинг орқа томонида суғдий ёзув ўрин олган бўлиб, у суғдшунос П.Б. Лурье томонидан *x'γ'n* “хоқон” деб ўқилди (қар. 1-расм)



1- расм

Қизиғи шундаки, Турк хоқонлиги (552-744) даврида энг юксак унвон бўлган “хоқон” атамаси хоқонлик билан боғлиқ ўлароқ кўпинча суғдий ва бақтрий тилли ҳужжатларда, Чоч, Фарғона, Суғд (Самарқанд), Тўхористон ва Ўтрорнинг суғдий тилли тангаларида учраб [Смирнова, 1981: 59-62, 338; Баратова, 1998: 41-43; Бобоёров, 2010: 18-40], унинг илк бор муҳрда – Панч топилмасида учраши Ўрта Осиё ўтмишининг бир қатор масалаларига ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг илк ўн йилликларида Ўрта Осиёдаги воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлган Панч (Панжикент)да туркий-суғдий сулола бошқаруви ўрнатилган бўлиб, ўз келиб чиқишига кўра, Турк хоқонлигига ёки етакчи туркий уруғлардан бирига туташувчи ушбу сулола минтақа тарихида ўзидан сезиларли из қолдиради (Лившиц, 1979: 56-69; Отахўжаев, 2001: 40-42; Ғойибов, 2012). Панч ва Турк хоқонлиги орасидаги яқин муносабатлар араб, форс ва суғдий тилли ёзма манбаларда ўрин олган. Улардан англашилича, VIII асрнинг илк чорагида Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғд воҳасида араблар босқини юз бериб, арабларга қарши турк хоқонлари бошчилигида Чоч, Фарғона, Суғд ва бошқа ҳукмдорликлар биргаликда кураш олиб бордилар [Табари, 1987: 130, 177; СДГМ, 1962, II: 80-85]. Панч ҳукмдорлари архивидан етиб келган VIII асрнинг илк ўнйилликларига тегишли Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан бирида Панч бошқарувчиси Чакин Чўр Билга (693-708) тилга олинади (Смирнова, 1970: 109). “Панч ҳукмдори подшо Билга” унвони билан ўз тангаларини чиқарган ушбу ҳукмдорнинг келиб чиқишини

кўпчилик изланувчилар туркийлар билан боғлайдилар [Лившиц, 1979: 56-57; Отахўжаев, 2001: 40-42].

В–17, В–18 ва А–14 деб рақамланган 720- йилларнинг бошида битилган Муғ ҳужжатларида эса Панч ҳукмдори Деваштич (709-722) билан турк хоқони, Чоч ва Фарғона бошқарувчиларининг араб босқинига қарши ўзаро келишувлар бўлгани тўғрисида сўз боради. Айниқса, А–14 рақамли ҳужжатида ўша кезларда Чочда бўлиб турган Панч элчиси Фатуфарннинг ўз хўжайини Деваштичга юборган мактубида *“хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи қўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим”* деб ёзади [СДГМ, 1962, II: 80-85; Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин, 2014: 64-670]. Ушбу маълумотдан кўринадик, “тутуқ” унвонига эга фарғоналик амалдор Чочга келган, юртига қайтиш чоғида эса у Фарғона ҳукмдорига ёзилган хатни ва турк хоқонига берилиши керак бўлган хатни ҳам ўзи билан олган эди.

В–17, В–18 рақамли Муғ ҳужжатларида эса 720- йилларнинг бошида Панчда бўлиб турган хун “турк” хоқони ва Фарғона ҳукмдори, “хоқон” томонидан Деваштичга берилган ёрлик борасида сўз юритилади. Айниқса, Деваштич томонидан унга бўйсунувчи Хахсар ҳукмдорига жўнатилган В–17 ҳужжатида *“Менда эса шундай янгиликлар (хабарлар) бор: бизнинг чопарларимиз бу ерга қайтишди ва (улар) менга хоқондан юксак (бир) мартаба ва эҳтиром олиб келишди. Ва кўплаб қўшин ҳам келди – хун (турк)лар ва чинликлар”*дан деб ўзига берилган ёрликка урғу беради. Бундан кўринадик, Деваштичнинг турк хоқонига юборган чопарлари Панчга қайтиб келган бўлиб, хоқон улар орқали ўз тобеси Деваштични “юксак мартаба” билан сийлаган. Айрим изланувчилар ушбу маълумотга таяниб, турк хоқони Деваштичга муайян бир унвон (эҳтимол, “элтабар” унвони) берилганини тасдиқлаб ёрлик жўнатгани ва шу тариқа унинг ҳоқимиятдаги мавқеини оширганига урғу берсалар [Grenet, Vessaire, 2002: 158, 187], айримлари эса Муғ ҳужжатлари ва араб манбаларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, Деваштичга хоқон томонидан берилган “юксак мартаба” – бу унинг “Суғд подшоси” мақомини кўлга киритган 721 йилда юз берган воқеликлар билан боғлайдилар. Яъни, Деваштичнинг айрим суғдий ҳужжатлар бошламасида олдингидай “Панч ҳукмдори” эмас, “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” деб ёзила бошлаши турк хоқони унга ёрлик юбориши билан боғланади [Якубович, 2009: 139-140]. Араб манбаларида эслатилишича, айнан шу йили хоқонлардан бири Суғд воҳасига келган, Самарқанддан бошқа воҳадаги барча ерларни араблардан қайтариб олган эди [Tabari, 1989: 152-153; Yakubovich, 2002: 248-249].

Демак, Панжикент шаҳар қолдиқларидан “хоқон” унвонли муҳр топилиши бежиз бўлмай, тўғридан-тўғри ушбу тарихий воқеликларга бориб тақалади.

2. Кофирқалъадан топилган “хотун” унвонли муҳр

Самарқанд шаҳридан 18 чақирим жанубда, Дарғом каналининг сўл қирғоғида Кофирқалъа деб аталадиган эски шаҳар қолдиғи Суғд ҳукмдорларининг бугунги кунгача етиб келган қароргоҳларидан бири саналади. Ушбу ёдгорлик яқин йилларда археологлар томонидан қазиб ўрганилганда унинг илк ўрта асрларга тегишли қатламларидан ўнлаб моддий буюмлар топилди. Айниқса, ёдгорликнинг ҳукмдор қароргоҳи қисмида турли инсон тасвирлари чизилган деворий расмлар, лойдан ясалган юзлаб булла (муҳр) ва турли тасвирлар туширилган сопол идишлар топилиб, улар Фарбий Турк хоқонлиги (568-740) ва Самарқанд ихшидлиги (VII–VIII асрлар) тарихининг бугунгача қоронғу бўлган саҳифаларига ойдинлик киритмоқда.

Топилмалар орасида бир хил кўринишдаги инсон тасвири ва ёзув ўрин олган 4 дона булла (муҳр) кўпчиликнинг диққатини тортди (*қар.* 2- расм), улардаги суғдий ёзувнинг ўқилиши бўйича турлича қарашлар билдирилмоқда. Муҳрнинг сўл ва ўнг томонида юқоридан қуйига тўғри йўналишдаги иккита сўз ёзилган бўлиб, биринчи йўналишда икки қатор, иккинчиси йўналишда эса бир қатор ёзув учрайди. Ушбу муҳрларни синчиклаб ўрганган А. Бердимуродов ва Г. Богомолловлар ёш суғдшунос А. Бегматов орқали таниқли япон суғдшуноси Ютака Ёшидага кўрсатишган. Ушбу япон олимига кўра, бу ёзувлар *x'ttwnh* (“хотун”) ва “*Чирти / Эрти Ана Унин*” деб ўқилади. Ю. Ёшида бу ёзувни “*Унин – Турк хоқони Чирти / Эрти Ана (=ака)нинг хотини*” деб очиқлаб, муҳрни сўроқ белгиси остида VII аср бошларига тегишли эканини илгари сурган тушунтирадилар [Бердимуродов, Богомоллов, Такао, Бегматов, 2016: 51-60].



2- расм.

Ю. Ёшиданинг ушбу муҳрларда “хотун” сўзини тўғри топганига қўшилган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, қолган ёзувларни “*Чирти / Эрти Ана Унин*” деб ўқиш ўзини оқламайди. Шу ўринда, муаллифлар (А. Бердимуродов ва б.) *x'ttwnh* сўздан ташқари муҳр ёзувининг латинча транскрипциясини келтиришмаган, бу эса суғдий жумлани япон суғдшуноси айнан қандай ўқигани бўйича аниқ бир фикр билдиришни қийинлаштиради. Бизнингча, Ё. Ютака ёзувларга қуйидагича транскрипция берган-у, мақола муаллифлари уни тўлақонли келтиришмаган: *c/'yrty 'p' 'wnwn* “*Чирти / Эрти Ана Унин*”.

Муҳрлардаги суғдий ёзувнинг сўл томондагисини “*Чирти / Эрти Ана Унин*”, ўнг томондагисини эса “хотун” деб ўқиб, бутун жумлани “*Унин – Чирти / Эрти Ана (=ака)нинг хотини*” деб очиклаш, шунингдек, *Чирти / Эрти Ана* атамасини бирор турк хоқонининг исми, “хотун”ни эса унинг аёли дейиш, бизнингча ўзини унча оқламайди. Биринчидан, муҳрлардаги суғдий жумланинг ёзув бичими бундай ўқишга йўл қўймайди. Иккинчидан эса туркий ономастикада бундай киши исми ёки унвонига дуч келинмаган. Ёзма манбаларда “бош, бошлиқ, ота-бобо” маъносида эски туркча “апа” атамаси учраса-да [ДТС, 1969: 47; Кубатин, 2016: 138], *Чирти / Эрти Ана* исмли бирор турк хоқони бошқарувда бўлгани аниқ эмас. Шунингдек, эски ва бугунги туркий тилларда *Чирти / Эрти* деган киши исми учрамайди.

Бизнингча, сўл томондаги суғдий жумлани *ZYk ZK t'pk / (t'p'[k]) sty'kH / swy'kH (?)* “Бу – *sty'kH / swy'kH* муҳридир” деб ўқиб, ўнг томондагисини эса *x'ttwnH* “Хотун (малика)” деб очикласа бўлади. Ушбу ёзувнинг биринчи қаторидагиларини ўқишда деярли бирор ноаниқлик йўқ, бироқ уларнинг остидаги ёзув унчалик яхши сақланмагани учун уни сўроқ белгиси остида

cty'kh / cwy'kh деб ўқиш ва хотин-қизларга тегишли бирорта атоқли от бўлса керак, деб қараш билан чекландик. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан Nov. 3 рақамли никоҳ келишувида суғд қизи Дуғдгунча билан боғлиқ *cttH* ва *cttyH* “Чата” атамалари учраганидек, 639 йилда ёзилган Чинанчканд (Турфон) ҳужжатида “*Туркистонда туғилган чўри Уначаҳ номли аёл*”нинг *cwy'kkH / cwt'kkH* “Чавйак” / “Чутак” уруғидан эканлиги айтилади [қар. Исҳоқов, 1993: 1, 5; Luṛje, 2010: 166, 168]. Бошқа томондан эса ушбу ёзувни (*x*) *ttwnH* (?) деб ўқиса ҳам бўлади-ю, бироқ битта муҳрнинг ўзида бундай унвоннинг ўрин олишини очиқлаш қийин.

Суғдий битикларда сўз бошида олмошлар кўпинча оромийча ZK, ZY, ZNH каби гетерограммаларда берилиб, улар суғдий тилдаги “у”, “бу”, “ана у” сингари олмошлар ўрнида келади (Luṛje, 2010: 68-70, 72, 77, 79, 106, 166). *t'pk* ёки *t'p'[k]* сўзи эса “муҳр” маъносида қўлланилган суғдийча *t'p'k*, *t'p'k(h)* сўзининг бир кўриниши бўлиб, бу сўз кўплаб суғдий ёзма ёдгорликларда учрайди [қар. Gharib, 1991: 383].

Суғдий тилли муҳрларда ZK, ZY, ZNH каби олмошларнинг кўп ишлатилиши, шунингдек, кўпинча муҳр ва шунга ўхшаш буюмларда муҳр эгасига ишора қилиниб, унинг исми ёки унвони келтирилиши бу қарашимизни янада кучайтиради.

Кўринишидан Кофирқалъа муҳрларининг эгаси “хотун” унвонли бошқарувчи тоифа вакили бўлган. Ушбу топилмаларни биринчилардан бўлиб ўрганган А. Бердимуродова ва Г. Богомоллар чордона қуриб ўтирган аёл тасвирини эски ҳинд будда динига хос анъана – бодхисаттва культига тегишли “лотос” ҳолати билан боғлаб тушунтирадилар [Бердимуродов, Богомол, Такао, Бегматов, 2016: 54-55]. Бизнингча, бу фикрга қўшилса бўлади, бироқ ушбу муҳрларда “хотун” унвонининг учраши ва унинг Турк хоқонлиги бошқарувида энг юксак унвон – “хоқон”дан кейинги юқори унвон бўлганини кўзда тутиш, шунингдек, уч мугузли қалпоқ кийган малика тасвирининг хоқонлик билан боғлиқ кўплаб топилмаларда учраши ва негизи эски турк инончидаги илоҳа Умайга бориб тақалишини ҳисобга олиш керак бўлади (қар. 3-4 расмлар) [Ртвеладзе, 1976: 26-27; Баратова, 2005: 418-419; Бабаяров, 2007: 14-15, 30]. Тангашунос Л.С. Баратовага кўра, тангалардаги бу тасвир эски турк инончига кўра болалар ва жангчилар кўриқловчиси, ҳомиладорлик ва унумдорлик ҳомийси бўлган илоҳа Умай билан боғлиқдир [Баратова, 2005: 419]. Ҳозирда ҳам Жанубий Сибир туркийларида сақланиб қолган ривоятга кўра, Умайнинг макони Тоғли Олтойдаги уч чўққили Белуха тоғида ўрнашган бўлиб, уч мўгузли қалпоқ ушбу илоҳа рамзидир. Шунингдек, Жанубий Сибир туркий элатларидан бири бўлмиш телеутларда “*Тароқдай бошли Май-эне*

(Умай-она)” ибораси учрайдики, ундан Умайнинг уч мўгузли тасаввур қилингани пайқаш қийин эмас [Osawa, 2005: 1876].

Турк хоқонлигига тегишли Ўрхун битиктошларида ҳам хотун Умайга менгзатилади. Кул Тегин битиктошида (732 й.) жой олган ушбу сатрлар бунинг ёрқин ўрнаклари: “Умайтег ўғум қатун қутинга иним Кўл Тегин эр ат булди – Умайдек онам – хотун қут (бахт)ига иним Кўл Тегин эр оти топди (йигит бўлди)” [қар. Кул Тегин битиктоши, Шарқ томони, 31-сатр [Қосимов, 2014: 114, 120]. Хотуннинг Умайга менгзатилишини Фарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларда хоқон ва у билан ёнма-ён тчизилган малика тасвири учраши ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, Чочда бостирилган хоқонлик тангалари орасида бири ўнг томонга қараб, бири тўғрига юзланиб ўтирган кўринишдаги хоқон ва хотун тасвирлари учрайди. Қизиғи шундаки, тўғрига қараган малика ҳам уч мугузли қалпоқ кийган бўлиб, ҳомиладор аёл кўринишида чизилган (қар. 4- расм. 9-11) [Бабаяров, 2007: 14-15]. Бу эса хотун эски туркларда Умай кўринишида тасаввур этилган, деган қарашни янада кучайтиради.

Фарбий Турк хоқонлигининг Чочда бостирилган тангаларидан ташқари Суғд, Тўхористон (Чағониён), Бухоро ва Ўтрор қўш портретли тангаларида ҳам муҳрдагига ўхшаш малика (хотун) тасвирланган бўлиб, уларнинг ташқи кўринишида ўзаро яқинлик кўзга ташланади (қар. 3- расм) [Бабаяров, Кубатин, 2011: 51-56; Бабаяров, Кубатин, 2014: 98-100]. Устига-устак, бу турдаги Суғд тангаларининг ўнг юзасида туркий кўринишли ҳукмдор ва хотун (малика) тасвири, орқа юзасида эса “хотун” унвони ўрин олиши Кофирқалъа – Самарқанд муҳрида бундай унвоннинг учраши бежиз бўлмаганини кўрсатади.

Эски турк давлатчилик анъаналарига кўра, ҳукмдорнинг бош аёли “хотун” унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида фаол қатнашган ва саройда хоқондан кейинги ўринда турган [Golden, 2002: 121]. Турк хоқонлиги даврида бу унвон Чоч, Самарқанд, Бухоро, Тўхористон ҳукмдорликлари бошқарувида ҳам қўлланилиб, кўпинча улар хоқон қизи ўлароқ бўйсундирилган ҳукмдорликлар бошқарувчисига узатилган [Хатамова, 2009: 3-13; Бобоёров, 2011: 46-54].

Ушбу тарихий воқеликларга таниқ (гувоҳ) бўлган Кофирқалъа муҳрлари эса Турк хоқонлиги кучга тўлган чоғларга, VII–VIII асрларга тегишли бўлиб, ўша кезларда турк хоқонлари ва Самарқанд ҳукмдорлари орасида қалин никоҳ алоқалари йўлга қўйилган эди. “Бей-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби хитой йилномаларида *Кан* (Самарқанд) бошқарувчилари Фарбий Турк хоқонлиги билан яхши алоқа ўрнатгани, Тарду хоқон (576-603) ўз қизини *Шифуби* исмли, Тун ябғу-хоқон (618-630) эса *Кюймучжи* исмли Самарқанд ҳукмдорига қизини

узатгани ва тевааракдаги ҳукмдорликлар устидан устунликка эга бўлганига урғу берилади [қар. Бичурин 1950, II: 271, 311]. Ўша кезларда хоқонлик бошқарувида тобе ҳукмдорликларни бошқариш бўйича бир неча йўриқлар ишлаб чиқилган бўлиб, хоқонлар вассал ҳукмдорларга ўз қизини узатиб уларни бир томондан содиқ кишиларга айлантирар, иккинчи томондан эса қизлари орқали тобе ҳукмдорликларда назоратни кучайтирар эди [Skaff, 2002: 364–372]. Бу ерда ўрта асрлар турк-мўғул давлатчилиқ анъанасининг илк илдизлари – “кўрагонлик” (мўғулча *küregen* “куёв”) тизимининг илк “кўртақлари” кўзга ташланиб турибди [Бобоёров, 2011: 46-54].

Демак, Суғд воҳаси танга ва муҳрларида “хотун” унвони учрашининг негизида туркий давлатчилиқ анъаналари ётиб, турк хоқонларининг қизлари куёвга узатилиб, Самарқанд ва унинг теғрасидаги саройларда яшай бошлаб, бошқарувда сўз соҳибига айлангач, ҳокимият рамзи бўлмиш танга ва муҳрларда ўз унвонини акс эттиришга жазм қилганлар.

Ўша кезларда хоқонликка хос давлатчилиқ мафқураси Суғд бошқарувида ҳам ёйилган бўлиб, Самарқанд тангаларида “хоқон” унвони учраши, Афросиёб (Самарқанд) сарой деворий расмларида турк хоқони, юқори мартабали туркий амалдорлар, ҳокимият рамзлари – туғ, кўбирга (ноғора), бўри тасвири учрашида ўз тасдиғига эга [қар. Альбаум, 1975: 36-38; Arzhantseva, Inevatkina, 2006: 185–211; Mode, 2006: 107–128].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Кофирқалъада Турк хоқонлигининг давлат мафқурасига тегишли иккита ёш болани эмизиб турган бўри тасвирли муҳрлар топилиши ҳам [Бердимуратов, Богомолов, 2020: 61-69] “хотун” унвонли муҳрни хоқонлик билан боғлаш имконини беради. Қисқаси, ушбу топилмалар Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остидаги Самарқанднинг бошқарувчи хонадонига тегишли муҳрлар бўлиб, унда ҳинд – суғд – турк анъаналарининг ўзаро қоришгани кўзга ташланиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Альбаум Л. И. Живопись Афрасиаба. – Т.: Фан, 1975.

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI – VIII вв. н.э.). – Ташкент, Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2007.

Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Согда с титулом Хатун // Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари) – История и культура Узбекистана (Материалы республиканской научно-практической конференции). – Ташкент, “Tafakkur”, 2011. – С. 251-256.

Бабаяров Г. Монеты Отрара с изображением парного портрета // «Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари» мавзуидаги Республика VI илмий-назарий конференциясининг материаллари. – Тошкент, 2014. – С. 70-75.

Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации доисламских монет Отрара // Ўзбекистон ва Шарқ мамлакатларининг ҳамкорлиги: тарих ва ҳозирги замон. Республика илмий конференцияси тезислари. ЎЗР ФАШИ. Тошкент, 2014. Б. 98-100.

Баратова Л. С. К исторической интерпретации титула «каган» на древнетюркских монетах Средней Азии конца VII – первой половины VIII вв. // Нумизматика Центральной Азии. – Ташкент, 1998. – Вып. III. – С. 41–43.

Баратова Л.С. Византийско-согдийско-тюркский симбиоз на монетах Средней Азии // Second International Congress on Turkic Civilization, Bishkek, October 4-6, 2004. – Bishkek 2005. – С. 415-422.

Бердимуратов А., Богомолов Г. Тюрки в искусстве раннесредневекового Согда // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 7 / Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2020. – С. 61-69.

Бердимуратов А.Э., Богомолов Г.И., Уно Такао, Бегматов А. Буллы с буддийским сюжетом с городища Кафиркала // Археология Узбекистана. 2016. №2 (13). – С. 51-60.

Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.- Л., 1950-1953.

Бобоёров Ғ. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40.

Бобоёров Ғ. Турк ҳоконлиги ташқи сиёсатида никоҳ муносабатларининг ўрни // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги ҳолат. Илмий мақолалар тўплами. – Т.: “Тошкент Ислом университети”, 2011. – Б. 46-54.

Исҳоқов М. Номи азал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – №. 45-46. – Тошкент: 1993. 20 май. – Б. 1, 5.

Лившиц В.А. Правители Панча (согдийцы и тюрки) // «Народы Азии и Африки», 1979. – № 4. – С. 56-69.

Кубатин А. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Ташкент: Yangi nashr, 2016.

Отаҳўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими // Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2001. – №2. – Б. 40–42.

СДГМ II – Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Изд-во восточной лит-ры, 1962.

СДГМ III – Согдийские документы с горы Муг. Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии М. Н. Боголюбова и О. И. Смирновой. – М., 1963.

Смирнова О. И. Очерки из истории Согда. – М.: Наука, 1970.

Смирнова О. И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., Наука, 1981.

Табари – История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). Ташкент: Фан, 1987.

Ртвеладзе Э.В., Ртвеладзе Л.Л. Городище Ханабад // в кн. Древности Ташкента. Т., 1976. С. 4-49.

Содиқов Қ. Қадимги туркий битиглар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. Тошкент: Фан, 2014. Б. 101-225.

Хатамова М. Турк хоқонларининг Чочдаги қароргоҳлари: Жабғукат ва Хотункат // O‘zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – №1. – С. 3–13.

Ғойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчининг ўрни (илк ўрта асрлар). – Т.: Наврўз, 2012.

Якубович И.С. Проблемы согдийской этимологии. Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – М., 2009.

Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings revisited: new discovered twenty-five years old // Royal Naurūz in Samarkand. Proceedings of the Conference held in Venice on the Pre-Islamic paintings at Afrasiab. A cura di M. Comparetti – E. de la Vaissière. – Pisa – Roma, 2006. – Supplemento No. 1, Vol. LXXVIII. – P. 185–211.

Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian – Persian – English. – Tehran: Farhang Publications, 1995.

Golden P. B. Türk Halkları tarihine Giriş. Çev. O. Karatay. – Ankara: KaraM, 2002.

Grenet F., de la Vaissière E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology. – Kamakura 2002. – Vol. 8. – P. 155–196.

Lurje P. Personal names in Sogdian texts in Iranisches Personennamenbuch 2. Mitteliranische Personennamen 8. – Wien: Verlag der Österreichischen Akademie der Wissenschaften, 2010.

Mode M. Reading the Afrasiab Murals: Some Comments on Reconstructions and Details // Royal Naurūz in Samarqand. Proceedings of the Conference held in

Venice on the Literaturverzeichnis Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. RSO, NS 78, Supplemento 1. – Pisa / Roma, 2006. – P. 107–128.

Osawa T. Güney Sibiryа Türklerinde Doğumla ilgili Tanrıça Umay Üzerine Bir Görünüş // 38. Uluslararası Tıp Tarihi Kongresi Bildiri Kitabı. – Ankara, 2005. – S. 1871–1881.

Skaff K. J. Western Turk Rule of Turkestan’s Oases in the Sixth through Eighth Centuries // TURKS– Ankara, 2002. – Vol. 2. – P. 364–372.

Tabari - The History of al-Tabari (Ta'rikh al-rusul wa'l muluk) / Vol. XXIV. The Empire in Transition translated and annotated by David Stephan Powers. – New-York: State University of New York Press, 1989.

Yakubovich I. “Mugh 1.I. Revisited” // Studia Iranica 31 (2). – P. 231-53.



3- расм. Қўшалок тасвирли Чоч (1), Суғд (3), Тўхористон (Чағониён – 3), Бухоро (4), Ўтпор тангалари (5)



4- расм. Марказий Осиёдан топилган уч мугузли қалпоқ кийган Умай тасвирли ёдгорликлар (тош ҳайкал, суюк ва тангалардаги тасвирлар)